

“Агробанк” ОАТБ Бошқаруви
йиғилишининг
2012 йил 27-январдаги
7/5-сонли қарори билан

«МАЪҚУЛЛАНГАН»

“Агробанк” ОАТБ Кенгаши
йиғилишининг
2012 йил 6-февралдаги
4/2-сонли қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

“Агробанк” очик акциядорлик тижорат банкининг
ликвидлилигини бошқариш
СИЁСАТИ

Муқаддима

1-боб. Умумий қоидалар

2-боб. Банкнинг ликвидлилигини бошқариш стратегияси ва бошқариш воситалари

3-боб. Банкнинг ликвидлилигини баҳолаш ва бўш ресурсларини шакллантириш

4-боб. Банклараро операциялар бўйича лимит сиёсати

5-боб. Актив ва пассивларни бошқариш тизимини шакллантиришда таваккалчиликни бошқаришга тизимли ёндашиш концепцияси

6-боб. Банк менежментини ликвидлик ва даромадлилик ҳолатига таъсири

Мазкур Сиёсат “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлари, Марказий банкнинг 1998 йил 2-ноябрдаги “Тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида”ги 421-сонли, 1999 йил 11-февралдаги “Хавфсиз бўлмаган ва носоғлом банк фаолияти тўғрисида”ги 628-сонли ва 1998 йил 2-ноябрдаги “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги 472-сонли Низомлари, банкнинг Устави ҳамда тегишли ички меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1-боб. Умумий қоидалар

1-§. Асосий тушунчалар

2-§. Банк ликвидлилигини бошқаришнинг умумий масалалари

1-§. Асосий тушунчалар

1. Ушбу Сиёсат банк акциядорлари ва мижозлари, шунингдек кредиторлари олдида қарз ва молиявий мажбуриятларни ўз вақтида тўлиқ бажариш, барқарор фаолият юритиш мақсадида банкнинг ликвидлилигини таъминлаш ва самарали бошқариш юзасидан вазифаларни белгилаб беради.

2. Банкнинг ликвидлилиги – банк тарафидан ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажара олишини самарали бошқаришдир.

3. Ликвидли активлар - доимий равишда сотилувчи ва сотиб олинувчи активларнинг алоҳида тури. Бундай активларга Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар, мажбурий заҳирадаги маблағлар, нақд пуллар, Давлат қисқа муддатли облигациялари, қисқа муддатли (етти кунгача) банклараро кредитлар киради. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР) давлатлари ҳукуматлари ҳамда фонд бозори ривожланган давлатларнинг машҳур трансмиллий компанияларининг қимматли қоғозлари ҳам юқори ликвидликка эгадир.

4.Ноликвид активлар - бозор нархини аниқлашда маълум бир жараён ёки хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда сотиладиган активлар. Бундай активларнинг сотилиши ёки банкнинг улардан фойда куриши мушкул масаладир. Бу турдаги активларга, масалан, кредитлар, қимматли қоғозлар бозорида котировкага эга бўлмаган ёки котировкаси қийин бўлган қимматли қоғозлар, асосий воситалар ва бошқалар киради.

5.Жорий ликвидлик коэффиценти – Марказий банк томонидан тижорат банклари ликвидлигини бошқариш бўйича ўрнатилган иқтисодий меъёр. Барча тижорат банклари жорий ликвидлик меъёрларини бажаришлари лозим, улар жорий активларнинг (тўлов муддати 30 кунгача бўлган барча ликвидли активлар, бир марта бўлса ҳам муддати узайтирилган ёки аввал берилган ссудаларни тўлаш учун, шунингдек қайтариш муддати ўтиб кетган кредитлар бундан мустасно) талаб қилиб олингунча ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар суммасига нисбати орқали аниқланади. Ушбу кўрсаткич 30% дан кам бўлмаслиги керак.

2-§. Банк ликвидлигини бошқаришнинг умумий масалалари

6.Банкнинг ликвидлигини таъминлаш ва самарали бошқариш куйидаги омиллар асосида таъминланади:

а)банк ва унинг атрофидаги муҳитни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи, аниқ ифодаланган ва ҳужжатлаштирилган ликвидликни бошқариш сиёсатининг мавжудлиги;

б)банк таркибий тузилмалари фаолиятининг ўзаро мувофиқлаштирилганлиги;

в)банк ликвидлилик ҳолатининг мониторинги вазифалари юкланган таркибий тузилманинг мавжудлиги;

г)маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда банкнинг актив ва пасив ҳолатларини таҳлил қилиш учун ахборот тизимининг мавжудлиги.

7.Банкнинг ликвидлигини таъминлаш ва самарали бошқариш бўйича Актив ва пасивларни бошқариш қўмитаси фаолият кўрсатади. Қўмита ўз фаолиятини банкнинг “Банкнинг Актив ва пасивларни бошқариш қўмитаси тўғрисидаги Низом”га асосан амалга оширади.

8.Банкнинг ҳудудий бошқармаларида Актив ва пасивларни бошқариш комиссияси ташкил этилади. Бунда Актив ва пасивларни бошқариш комиссиялари таркиби Марказий аппаратнинг Актив ва пасивларни бошқариш қўмитаси таркибидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

9.Марказий аппаратда Ғазначилик департаменти томонидан банкнинг ликвидлигини таъминлаш ва самарали бошқариш мақсадида:

а)банкнинг ликвидлилик ҳолатини мониторинги олиб борилади;

б)рахбариятга банкнинг ликвидлилик ҳолати юзасидан маълумотлар тақдим этилади;

в)тегишли масалаларни ликвидлилик қўмитасида кўриб чиқиш учун

киритилади;

г)банкнинг чорак ва йил якунлари бўйича ликвидлилик ҳолати юзасидан масалалар Актив ва пасивларни бошқариш кўмитасида кўриб чиқиш учун тақдим этилади;

д)банкнинг ликвидлилик ҳолати юзасидан ҳисоботлар банк Бошқаруви ҳамда Кенгашида кўриб чиқиш учун иш режаси асосида тақдим этилади;

е)банк ликвидлигини таъминлаш ва самарали бошқариш масалаларида ҳудудий бошқармаларга ўз ваколати доирасида амалий ёрдам кўрсатилади.

10.Банкнинг ликвидлигини таъминлаш ва самарали бошқариш мақсадида қуйидаги ҳисоботлар жорий қилинади:

а)банк активлари ва мажбуриятлари тузилмаси (1-илова).;

б)ликвидликни тезкор бошқариш мақсадида ҳудудий бошқармалар ва филиалларнинг ликвидлилик ҳолатини дастур таъминоти асосидаги мониторинги юритилади (2-илова).

2-боб. Банкнинг ликвидлигини бошқариш стратегияси ва бошқариш воситалари

1-§.Банкнинг ликвидлигини бошқариш стратегияси

2-§.Банкнинг ликвидлигини бошқариш воситалари

1-§. Банкнинг ликвидлигини бошқариш стратегияси

11.Банкнинг ликвидлигини самарали бошқариш активлар ва пасивларни бошқариш, хусусан банк баланснинг активли ва пасивли бошқарувидан иборат бўлади.

12.Банкнинг ликвидлиги концепцияси асосида ликвидликни бошқаришни баланслаштириш тамойили деб аталувчи муддатлар, ҳажм ва хавф-хатарлар бўйича актив ва пасивларни бошқариш тамойили ётади. Бу ўз навбатида банкка барча кредиторлар олдидаги ўз мажбуриятларини ликвидлик ва фойдалиликни мақбул чегараларда сақлаган ҳолда бажариш имконини беради. Банкнинг ликвидлиги учта манба, яъни банк капитали, жалб қилинган ва жойлаштирилган маблағларнинг таркибий элементлари бўйича тезкор бошқарув орқали таъминланади.

13.Банкнинг баланс ликвидлигига активларнинг таркибий тузилиши таъсир қилади ва умумий активларда ликвидли активлар салмоғининг юқорилиги, банк ликвидлилик даражасининг ҳам юқорилигини билдиради. Банк активлари, уларнинг ликвидлилик даражаси бўйича қуйидаги уч гуруҳга бўлинади:

а)юқори ликвидли активлар (кассадаги нақд пуллар, вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар, Марказий банкдаги мажбурий захирадаги маблағлар ва давлат қимматли қоғозлари (ДҚК));

б) пул маблағларига айлантирилиши мумкин бўлган банк ихтиёридаги ликвидли активлар (кредитлар ва банк фойдасига яқин 30 кун ичида тўланадиган бошқа тўловлар);

в) ноликвид активлар – муддати ўтган кредитлар ва ишончсиз қарзлар, банкка тегишли бино ва иншоотлар ҳамда бошқа асосий воситалар, шунингдек узоқ муддатли ссудалар ва кўчмас мулклар.

14. Банкнинг даромадлилиги ва ликвидлилиги бир-бирига ўзаро тескари мутаносибликда бўлиб, банкнинг ликвидлилигини таъминлаш ва самарали бошқариш мақсадида ушбу мутаносиблик мувозанатини сақлаш, яъни энг мақбул нуқтасини аниқлаш лозим. Бу эса банкнинг бошқарувига сифат жаҳатидан баҳо беради.

15. Ликвидли активлар қуйидаги уч хусусиятга эга бўлиши лозим:

а) пул маблағига зудлик билан айланиш имкони, ўз бозорига эга бўлиши;

б) барқарор баҳоларга эга бўлиши, яъни сотиладиган барча активларнинг баҳоси бозорда сезиларли ўзгармаслиги;

в) айлана олиш қобилиятига, яъни бошланғич инвестициялар йўқотишларсиз ёки минимал хавф-хатар билан пул маблағларига айланиш имкониятига эга бўлиши.

16. Ликвидликни бошқариш стратегияси банк ликвидлилигини бошқаришнинг сифат кўрсаткичларига асосланади.

2-§. Банкнинг ликвидлилигини бошқариш воситалари

17. Ликвидликни бошқариш воситалари банкнинг ўз ички имкониятлари ҳисобига таъминлаш тамойилига асосланади. Бунда банк активларини муддати ва миқдори бўйича номутаносиблигини самарали бошқариш, актив операциялар бўйича қарздорликларни ўз вақтида сўндириш, активлар сифатини яхшилаш, банк активларини диверсификациялаш, банк ресурслари базасини барқарор ресурслар ҳисобига мустаҳкамлаш (жисмоний ва юридик шахсларни банк хизматига кенг жалб қилиш) ва бошқа шу каби омиллар асосида таъминланади.

18. Шунингдек банк ликвидлилигини таъминлаш, актив ва пасивларини самарали бошқариш воситалари сифатида қуйидагилар ҳам бўлиши мумкин:

а) ресурсларнинг муҳим ва йирик манбаси бўлиб банклараро молия бозорлари ҳисобланади. Яъни, банкнинг ликвидлилигини таъминлаш мақсадида банклараро молия бозоридан маблағларни жалб қилиш;

б) банкнинг бўш ресурсларини банклараро молия бозорида самарали жойлаштириш;

в) банк ресурс базасининг барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш;

д)узок муддатли ва жамғарма депозитларига ресурсларни кўпроқ жалб қилиш;

е)давлат қимматли қоғозларига (ДҚМО), акциядорлик жамиятларининг юқори ликвидли қимматли қоғозларига, банклараро кредитларга кўйилмалар қилиш, шунингдек касса ва вакиллик ҳисобварағи қолдиқларини ошириш йўли билан банк ликвидлигининг юқори даражасини таъминлаш;

ё)юридик ва жисмоний шахсларга мўлжалланган депозит сертификатларни муомалага чиқариш;

ж)банкнинг ликвидлигини самарали бошқариш билан боғлиқ бошқа омиллар.

19.Ликвидликни бошқаришнинг “баланслашган ёндашиш” усули бошқаришнинг умумий стратегиясига амал қилгани ҳолда, ликвидлигини бошқариш муаммосини ҳал этишни қуйидаги мавжуд бир нечта умумий ёндошувларидан фойдаланиб, эгилувчан сиёсатни амалга ошириши мумкин:

а)активлар ҳисобига ликвидликни таъминлаш (активларни бошқариш орқали ликвидликни бошқариш);

б)пул маблағларига талабни асосан жалб қилинган ликвидли маблағлардан фойдаланиш орқали қондириш (пассивларни бошқариш орқали ликвидликни бошқариш);

в)баланслашган асосда ликвидликни бошқариш (актив ва пассивларни бошқариш орқали ликвидликни бошқариш).

3-боб. Банкнинг ликвидлигини баҳолаш ва бўш ресурсларини шакллантириш

1-§. Банкнинг ликвидлигини баҳолаш ва лимит сиёсати

2-§. Банкнинг бўш ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш

1-§. Банкнинг ликвидлигини баҳолаш ва лимит сиёсати

20. Банкнинг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида банк операцияларини амалга ошириш бўйича актив ва пассив амалиётлар бўйича банк Бошқаруви томонидан лимитлар ўрнатилади.

21. Талаб этилаётган ликвидлик даражасини таъминлаш учун қуйидаги “заҳира” даражаси белгиланиши мумкин:

а)лаҳзалик ликвидликни таъминлаш учун – банкнинг пул шаклидаги ликвидли активлари банкнинг талаб қилиб олингунча мажбуриятларининг 25 фоизидан кам бўлмаслиги;

б)жорий ликвидликни таъминлаш учун жорий активларнинг (тўлов муддати 30 кунгача бўлган барча ликвидлик активлар, бир марта бўлса ҳам муддати узайтирилган ва ёки аввал берилган ссудаларни тўлаш учун шунингдек, қайтариш муддати ўтиб кетган кредитлар бундан мустасно) талаб қилиб олингунча ва ижро муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар

суммасига нисбати орқали аниқланади. Ушбу кўрсаткич 30 фоиздан кам бўлмаслиги;

в) қисқа муддатли истиқболдаги ресурсларга талабни қондириш учун банк 30 кундан 1 йилгача сўндирилиш муддатларига эга активларни, банк капитали ва барча депозит ҳисобварақлар бўйича мажбуриятлар, яъни 30 кундан 1 йилгача қайтарилиш муддатига олинган кредитлар ва бошқа қарз мажбуриятларига нисбати 100% дан ошиб кетмаслиги.

22. Банк фаолиятини ташкил этиш ва барқарор ривожланиб бориши банкнинг олаётган фойдасига боғлиқ бўлади. Шу муносабат билан банк фаолиятини барқарор ривожланиб бориши банкнинг ликвидлилик бўйича белгиланган иқтисодий меъёрларни бажаргани ҳолда етарли даражада фойда олишга асосланади. Хусусан, банкнинг даромадлилиги ва ликвидлиги бири-бирига тескари муносабатда бўлиб, даромад келтирадиган активларнинг ўсиши, банк ликвидлигини пасайишига ёки аксинча, банк ликвидлигини ошиши натижасида даромад келтирадиган активлар салмоғини камайишига олиб келиши мумкин. Бу эса банк фаолиятини барқарор ривожланиб бориши бу икки омил ўртасидаги мувозанатнинг мақбул чегарасини белгилаб бориш лозимлигини кўрсатади.

23. Банк бир қарз олувчи ёки бир гуруҳ ўзаро алоқадор қарз олувчиларга 1-даражали капитал ҳажмидан таъминланган ссудалар бўйича – 25% ва таъминланмаган ссудалар бўйича – 5% чегараларда, кредит беришнинг лимит чекланишлари орқали ликвидликни йўқотишни камайтириш чораларини кўради. Барча йирик кредитлар суммасининг йиғиндиси 1-даражали капиталнинг 8 баробаридан ошмаслиги лозим.

24. Банк томонидан кўрсатиладиган лизинг хизматларининг умумий миқдори (авиализингдан ташқари) банкнинг 1-даражали капиталини 25 фоиздан ошмаслиги керак.

25. Мазкур чекловлар қуйидаги ҳолатларда татбиқ этилмайди:

а) қимматли қоғозлар ва кафолатларнинг бозор қиймати кредитларни 125 фоизга қоплай оладиган бўлиб, давлат қимматли қоғозлари Ўзбекистон Ҳукуматининг кафолати ёки бошқа мажбуриятлари билан таъминланган кредитларга;

б) кредит берган банк томонидан сўмдаги нақд депозитлар билан таъминланган ёки Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти иштирокчилари мамлакатлари валютасидаги кредитлар берилган ҳолатда;

26. Шунингдек банкка дахлдор шахсларга бериладиган кредитнинг энг юқори суммаси бўйича ҳам иқтисодий меъёрлар ўрнатилади. Бунда банкка дахлдор шахсларга бериладиган битта кредитнинг умумий ҳажми бир ёки ўзаро дахлдор қарз олувчилар гуруҳига бериладиган битта кредит таваккалчилигининг максимал миқдорига нисбатан тартибга солинади. Банкнинг барча дахлдор шахсларга берган кредитларининг умумий суммаси банкнинг биринчи даражали (асосий) капиталининг 100 фоиздан ошмаслиги керак.

27. Банк томонидан қимматли қоғозларга қўйилмаларни амалга оширишда қуйидаги чекловлар белгиланади:

а) банкнинг бир корхона устав капиталига, шунингдек ушбу корхонанинг бошқа қимматли қоғозларига қилган қўйилмасининг миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги керак. Ушбу меъёр бир эмитентнинг ҳам "Инвестициялар" ҳисобварақлари ҳам "қимматли қоғозлар олди-сотдиси" ҳисобварақлари бўйича нодавлат қимматли қоғозларига қилинган банк қўйилмаларини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади;

б) банкнинг барча эмитентлар устав капиталига ва бошқа қимматли қоғозларига қилган инвестициялари миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 50 фоизидан ошмаслиги керак;

в) олди-сотди учун нодавлат қимматли қоғозларига қилинган банк қўйилмалари миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

28. Бунда банк тўғридан-тўғри ёки билвосита (шубҳа корхоналар орқали) юридик шахс устав фондининг 26 фоизидан ортиқ қисмига эгалик қила олмайди, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) банкларнинг суғурта ва лизинг ташкилотлари устав фондидаги иштироки;

б) банкларнинг нобанк кредит ташкилотлари устав фондида, шунингдек молиявий бозорлар инфратузилмасининг бир қисми бўлган ёки банкларга ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар устав фондидаги иштироки;

в) банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият юритадиган ташкилотлар устав капиталидаги иштироки;

г) белгиланган тартибда хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларининг 50 фоизгача миқдорини уларнинг қимматли қоғозлар бирламчи бозорида чиқарилиш пайтидаги харид қилишда иштироки.

29. Таваккалчилик даражаси 100% бўлган бир тоифадаги активларни бошқа тоифага диверсификация қилишга (трансформация) йўл қўйилмайди. Активлар трансформациясини фақатгина таваккалчиликни камайтириш ёки йўқотиш мақсадида амалга ошириш мумкин. Бунда банкнинг ҳисоб-китоб қилинган капиталининг таваккалчиликка тортилган активларга нисбати 10 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

30. Ликвидлик коэффициентлари ўз-ўзидан ликвидликни мувофиқлиги бўйича аниқ маълумотларни бермайди ва умумий баҳолашнинг бир қисми сифатида кўрилиши лозим. Ликвидлик коэффициентларини баҳолаш турлари қуйидагилардан иборат:

а) ликвидли активлар (заҳираларни ортиқчаси, эркин муомалада юрадиган валюта, ДҚМО, бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақлари) /Жами активлар;

б) жами кредитлар/жами депозитлар;

- в) банклараро олинган қарзлар/жами мажбуриятлар;
- г) муддати ўтган кредитлар/жами кредитлар.

31. Депозитлар, айниқса майда омонатчилар қўйилмалари одатда ресурсларнинг барқарор манбаси бўлиб ҳисобланади. Ушбу кўрсаткични юқори даражада ўсиши (80 фоиздан юқори) ишончлиликини, барқарорлиги нисбатан пастроқ бўлган манбалар (банклараро бозордаги қисқа муддатли қарзлар) ишончсизликини билдиради. Чунки муаммолар пайдо бўлиши билан ушбу ресурслар банкни дарҳол тарк этади.

32. Ликвидлик хатарини бошқариш, жумладан прогнозлаш ва таҳлил қилиш мақсадида ликвидликка оид қўшимча коэффицентлар бўйича мониторинг юритилади ва Банк таваккалчилиги назорати қўмитасида муҳокама қилиниб борилади (3-илова).

2-§. Банкнинг бўш ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш

33. Банкнинг ликвидлилиги кўп жиҳатдан унинг ресурс базаси таркибига ҳам боғлиқ бўлади. Бунда банкнинг ликвидлилиги ресурс базаси нуқтаи назаридан қуйидаги ташкил этувчилардан иборат бўлади:

- а) жалб қилинган депозитларнинг турлари;
- б) депозитларнинг манбалари;
- в) депозитларнинг барқарорлиги.

Шу муносабат билан ресурслар, хусусан депозитлар базасининг ҳолати банкнинг ликвидлилигини таъминлаш ва самарали бошқаришнинг асосий манбаси бўлиб хизмат қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида банк пасивлари, хусусан ресурслар базасини шакллантириш ва таркибий тузилишини мақбуллаштириш муҳим ҳисобланади.

34. Банкнинг ресурслар жамғармаси қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

- а) банкнинг ўз маблағлари (банкнинг жамланма капитали);
- б) жалб қилинган ресурслар, яъни талаб қилиб олингунча ва муддатли депозитлар, банклараро (Марказий банк ва тижорат банкларидан), шунингдек хорижий валютадаги жалб қилинган маблағлар. Банк ресурслари жамғармаси ва унинг ишлатилиши тўғрисидаги маълумотлар (4-илова).

35. Банк филиаллари томонидан мустақил равишда бошқа банкларга ресурсларни сотиш қатъиян ман этилади. Агарда шундай зарурат туғилса, банкнинг ҳудудий бошқармаси Марказий аппаратга ёзма равишда мурожаат этади ва Марказий аппаратнинг ёзма тарздаги рухсати олинганидан сўнг ушбу операция ўрнатилган тартибда амалга оширилиши мумкин.

36. Марказий аппарат томонидан филиалнинг вакиллик ҳисобварағини мустаҳкамлаш, давлат дастурлари бўйича банк олдига қўйилган устувор вазифаларни бажариш ва банк мижозларининг кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун фоизли ёки фоизсиз ресурслар ажратилади.

37.Марказий аппаратдан ресурсларни жалб қилишда банкнинг ҳудудий бошқармаси Марказий аппаратга, бошқарма тасарруфидаги филиал эса ҳудудий бошқармага буюртма беради. Бунда, хўжалик юритувчи субъектларни ҳамда алоҳида лойиҳаларни молиялаштириш учун ресурслар тегишли кредитлаш тармоқ бошқармасининг талабномасига мувофиқ, Актив ва пассивларни бошқариш қўмитасининг ижобий қарорига кўра Бошқарув раисининг мутасадди ўринбосари имзолаган хизмат фармойишига асосан Ғазначилик департаменти томонидан филиалга ўрнатилган тартибда ўтказиб берилади.

Филиалга ресурс ажратилган куни Ғазначилик департаменти томонидан Актив ва пассивлар қўмитаси қарорининг санаси, тартиб рақами, ресурс миқдори, сўндириш графиги ҳамда фоизи акс эттирилган телефонограмма йўналтирилади.

Филиал томонидан асосий қарз ёки фоиз тўловлари белгиланган муддатларда тўланмаган ҳолатларда ажратилган ресурслар Бошқарув раисининг мутасадди ўринбосари томонидан имзоланган хизмат фармойиши асосида филиалнинг вакиллик ҳисобварағидан ундириб олинади.

38.Ҳудудий бошқармалар томонидан ўз тасарруфидаги филиалнинг вакиллик ҳисобварағини мустаҳкамлаш ҳамда банк мижозларининг кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун ўз маблағлари ҳисобидан фоизли ёки фоизсиз ресурслар ажратилиши мумкин.

39.Ресурс маблағлари филиалнинг ёки тегишли кредитлаш тармоқ бўлинмаларининг талабномасига асосан Актив ва пассивларни бошқариш комиссиясининг ижобий қарорига мувофиқ ажратилади.

40.Ҳудудий бошқармаларнинг Актив ва пассивларни бошқариш бўлими томонидан Актив ва пассивларни бошқариш комиссияси қарорининг санаси, тартиб рақами, ресурс миқдори, сўндириш графиги ва фоизи акс эттирилган хизмат фармойиши тайёрланади ва раҳбарият томонидан имзоланганидан сўнг ресурс филиалга йўналтирилади.

41.Филиалга ресурс ажратилган куни ҳудудий бошқармаларнинг Актив ва пассивларни бошқариш бўлими томонидан филиалга Комиссия қарорининг санаси, тартиб рақами, ресурс миқдори, сўндириш графиги ва фоизи акс эттирилган телефонограмма йўналтирилади.

42.Ҳудудий бошқармалар филиаллараро кредит ресурсларни кунлик молиявий ёрдам сифатида филиал раҳбарининг мурожаатига асосан вакиллик ҳисобварағини мустаҳкамлаш ҳамда мижозлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида Актив ва пассивларни бошқариш комиссиясининг қарорига асосан бир филиалдан жалб қилиб, бошқа филиалга жойлаштириши мумкин.

43.Ҳудудий бошқармалар ва филиаллар берилган ресурсларни мақсадли ишлатилиши юзасидан масъулдир.

44.Вакиллик ҳисобварағи ресурс маблағлари тақчил ёки мавжуд бўлмаган ҳолатларда мижозларнинг тўловлари ўтказилишини таъминлаш мақсадида филиаллар вакиллик ҳисобварағига бир операцион кун муддатига банкнинг ягона вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан овердрафт лимити жорий қилиниши мумкин.

Мазкур жараён операцион кун давомида ҳам амалга оширилиши ҳамда ўрнатилган овердрафт лимитини кўпайтириш ёки камайтириш амалиётлари амалга оширилиши мумкин.

4-боб. Банклараро операциялар бўйича лимит сиёсати

1-§.Лимит сиёсатининг умумий масалалари

2-§.Лимитларнинг ўрнатилиши

3-§.Контрагент-банкнинг тўловга лаёқатлилигини аниқлаш учун фойдаланиладиган маълумотлар манбалари

4-§.Контрагент-банк тўлов қобилиятининг коэффициентлар асосидаги таҳлили

5-§.Контрагент-банкка лимит ўрнатиш бўйича Марказий аппаратнинг тармоқ бошқармалари билан ҳамкорлик қилиш тартиби

1-§. Лимит сиёсатининг умумий масалалари

45.Лимит сиёсати контрагент-банклар билан ўтказиладиган банклараро операциялар бўйича лимитларни ўрнатиш ва контрагент-банклар томонидан мажбуриятларни бажариш юзасидан таваккалчиликларни минималлаштириш тартибини белгилайди.

46.Контрагент-банкка лимит ички пул ва қимматли қоғозлар бозорларидаги операциялар бўйича банк томонидан контрагент-банкка нисбатан қабул қилинган таъминланмаган талабларнинг максимал миқдорини чегаралаш мақсадида ўрнатилади.

2-§. Лимитларнинг ўрнатилиши

47.Банк мижозларига халқаро операциялар бўйича тез ва сифатли банк хизматларини кўрсатиш, валютадаги активларни самарали жойлаштириш ва бошқариш мақсадида “Банкнинг вакил банклари ишончилигини баҳолаш ҳамда уларга лимитлар ўрнатиш тўғрисида Низом”га асосан хорижий банклардаги ҳисобварақлар бўйича ҳар чорак учун лимитлар ўрнатилади.

48.Хорижий банклардаги ҳисобварақлар бўйича лимитлар юқоридаги тартибга асосан Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари департаменти томонидан ҳисоб-китоб қилинади ва Марказий аппаратнинг Банк таваккалчилиги назорати қўмитасига муҳокамага киритилади.

49.Банкнинг контрагент-банк билан ўзаро муносабатларини баҳолаш жараёнида ушбу контрагент-банк билан ишлашнинг стратегик жиҳатдан муҳимлиги, шунингдек ушбу контрагент-банк билан муносабатларнинг характери эътиборга олинади.

3-§. Контрагент-банкнинг тўловга лаёқатлилигини аниқлаш учун фойдаланиладиган маълумотлар манбалари

50.Контрагент-банкнинг тўловга лаёқатлилигини аниқлашда Ўзбекистон Марказий банкига тақдим этиладиган ҳисоботларнинг қуйидаги шаклларида фойдаланилади:

- а)контрагент-банкнинг баланс ҳисоботи (0110BS шакли);
- б)даромадлар ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот (0204IS шакли);
- в)активлар ва мажбуриятларнинг таҳлили (0024AAL, 0026AAL шакллари);
- г)иктисодий меъёрларни ҳисоблаш тўғрисидаги ҳисобот (3006EN шакли).

51.Зарурат туғилганда ҳисоботларнинг қўшимча шакллари ҳамда маълумотлар сўралиши мумкин. Шунингдек қўшимча маълумот манбаи сифатида рейтинг агентликлари, ОАВдаги мақолалар (матбуот, Интернет), бошқа банклар ва манбалардан олинган маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

4-§. Контрагент-банк тўлов қобилиятинининг коэффицентлар асосидаги таҳлили

52.Контрагент-банк тўлов қобилиятини коэффицентлар асосида таҳлил қилиш жараёнида қуйидагилар аниқланади:

- а)контрагент-банкнинг ишончлилиқ даражаси, яъни унинг белгиланган муддатларда мажбуриятларни зудлик билан тўлиқ бажара олиш қобилияти;
- б)контрагент-банк фаолиятининг барқарорлиги, яъни активларнинг сифати ва капиталининг етарлилиги;
- в)контрагент-банкнинг ликвидлилиги, яъни мижозлар олдидаги мажбуриятларни бажариш мақсадида контрагент-банк томонидан ўз активларини пул ёки бошқа тўлов воситаларига айлантира олиш қобилияти.

53.Контрагент-банкнинг тўловга лаёқатлилигини таҳлил қилиш учун бухгалтерия ҳисоботининг стандарт шаклларида фойдаланилади ва тегишли кўрсаткичлар аниқланади (5-илова).

54.Ҳисобланган коэффицентлар натижасидан келиб чиқиб, уларнинг ҳар бирига маълум миқдорда оғиш бирлиги белгиланади. Контрагент-банкнинг тўловга қобилиятини таснифлайдиган асосий коэффицент ликвидлик коэффиценти ҳисобланганлиги учун, ушбу коэффицентга оғиш бирлиги 30 % миқдорида белгиланади.

55. Синтетик коэффициент ва контрагент-банкка лимит ҳисоблаш тартиби:

а) синтетик коэффициент контрагент-банкнинг молиявий ҳолатини асосий кўрсаткичлари, жумладан молиявий ҳолатининг ишончлилиқ, ликвидлилиқ, рентабеллиқ, активлар сифати ва ресурс базасининг таркибини ифодалайди. Синтетик коэффициент таркибидаги коэффициентларнинг ўсиши контрагент-банкнинг динамик равишда ривожланаётганидан далолат беради;

б) синтетик коэффициент қуйидаги тарзда ҳисобланади:

$$\text{Синтетик коэффициент} = 15\% * \text{ИК} + 35\% * \text{ЛК} + 15\% * \text{РК} + 20\% * \text{АСК} + 15\% * \text{РБК};$$

в) контрагент-банкка лимит ҳисоблаш усули қуйидагича:

$$\text{Лимит} = (\text{Хусусий капитал} * 10\%) * (\text{Синтетик коэффициент});$$

бунда, лимит контрагент-банкнинг ички молия ва қимматли қоғозлар бозорларидаги операциялари бўйича банк томонидан контрагент-банкка нисбатан қабул қилинган таъминланмаган талабларнинг максимал миқдорини намоён этади.

5-§. Контрагент-банкка лимит ўрнатиш бўйича Марказий аппаратнинг тармоқ бошқармалари билан ҳамкорлик қилиш тартиби

56. Контрагент-банкларга лимит ўрнатиш ёки уларни қайта кўриб чиқиш молия бозорларида битимларни амалга ошираётган Марказий аппарат тармоқ бошқармаларининг таклифлари асосида Банк таваккалчилиги назорати қўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

57. Контрагент-банкларга лимит ўрнатиш ёки уларни қайта кўриб чиқиш таклифини Марказий аппаратнинг қуйидаги тармоқ бошқармалари киритиши мумкин:

а) Ғазначилиқ департаменти – актив ва пассивларни бошқариш ҳамда таваккалчиларни назорат қилиш каби вазифаларни бажариш, шунингдек у ёки бу лимитларни қайта кўриб чиқиш бўйича;

б) Қимматли қоғозлар бошқармаси – контрагент-банкнинг қимматли қоғозларини ҳарид қилиш амалиётлари бўйича;

в) Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари департаменти – контрагент-банк билан чет эл валютасидаги амалиётлари бўйича;

г) Бошқа тармоқ бошқармалари маълум бир молия бозорларидаги операциялар бўйича.

58.Таклиф бераётган тармоқ бошқармаси контрагент-банкнинг номи, сўралаётган лимитнинг миқдори, контрагент-банк билан режалаштирилаётган битимнинг миқдори ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги, лимит ўрнатишнинг асослилиги ва зарурлиги тўғрисида Ғазначилик департаментига буюртма тақдим этади.

59.Ушбу буюртма Ғазначилик департаменти томонидан Банк таваккалчилиги назорати қўмитасига кўриб чиқиш учун тақдим этилади ва мазкур Қўмита томонидан кўриб чиқилади.

60.Миллий валютадаги лимитлар ҳар бир контрагент-банк бўйича ҳар чорак учун ҳисобланади. Ушбу муддат тугагач, лимитлар контрагент-банкнинг молиявий ҳисоботидаги янги маълумотлар асосида қайта кўриб чиқилади. Алоҳида ҳолатларда лимитлар амал қилиш муддати тугагунга қадар кўриб чиқилиши мумкин.

61.Контрагент-банкнинг кўрсаткичлари ва миқдори керакли даражадаги лимит ўрнатиш учун етарли бўлмаса, бироқ ушбу контрагент-банк билан ҳамкорлик қилиш жараёнида банк маълум бир манфаатларга эга бўлса ёки банк ташаббуси билан амалга оширилаётган бўлса, Банк таваккалчилиги назорати қўмитаси лимитни ошириш масаласини кўриб чиқиши мумкин. Лимит миқдори қуйидаги ҳолатларда оширилади:

- а)контрагент-банкнинг ижобий кредит тарихи ва банклараро депозит битимлар бўйича салмоқли айланмаларнинг мавжудлиги;
- б)банкнинг контрагент-банк устав капиталида улушга эгаллиги;
- в)тадбир банк манфаатлари ва ташаббуси билан амалга оширилаётганда;
- г)тадбир ҳукумат қарорлари ва дастурларига асосан амалга оширилаётганда.

62.Таъминотга эга бўлмаган банклараро депозит операциялари бўйича лимитлар бир қарз олувчига бўлган қарз меъёрларидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади. Фақатгина тижорат банклари билан ўтказиладиган овернайт операциялари бундан мустасно, улар бўйича лимит чегараси банк капиталининг 25% миқдорида ўрнатилади.

63.Лимит чегарасида жойлаштирилган маблағларнинг таъминоти сифатида контрагент-банкнинг асосий ва айланма маблағлари ҳисобланади. Ушбундан келиб чиқиб, маблағ жойлаштириш қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

- а)контрагент-банкнинг барқарор молиявий ҳолати;
- б)контрагент-банкка тасдиқланган лимитнинг мавжудлиги.

64.Банк маблағларни банклараро депозит бозорида гаров асосида жойлаштириши мумкин, гаров сифатида хорижий валютадаги маблағлар ва ликвидли қимматли қоғозлар (облигациялар, акциялар, депозит сертификатлар) олиниши мумкин.

5-боб. Актив ва пасивларни бошқариш тизимини шакллантиришда таваккалчиликни бошқаришга тизимли ёндашиш концепцияси

- 1-§. Бошқариш тизимини шакллантиришнинг умумий масалари
- 2-§. Банк учун хусусиятли бўлган таваккалчилик турлари
- 3-§. Таваккалчиликларни бошқариш усуллари
- 4-§. Ликвидлилик таваккалчилигини баҳолаш ва бошқариш
- 5-§. Фоиз ҳамда кредит таваккалчиликларини ўлчаш ва бошқариш

1-§. Бошқариш тизимини шакллантиришнинг умумий масалари

65. Банк фаолиятига доир таваккалчиликларни мувофиқлаштириш инструментларини танлаш банк олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Банк даромадлилик ва таваккалчиликни ўзаро мутаносиблигининг мақбул нисбатини излаб топиш жараёнида бўлмоғи лозим.

66. Даромадлилик ва таваккалчилик ўзаро мутаносиблигининг мақбул нисбати бўлиб, таваккалчилик-даромадлилик нисбатида минимумга ёки даромадлилик-таваккалчилик нисбатида максимумга эришиш ҳисобланади. Мақбул нисбат танлови етарли даромадлилик билан фаолиятнинг мақбул хавфсиз бўлган ҳудудини танлаш билан биргаликда унга таваккалчиликни бошқариш жараёнида эришилади (таваккалчиликни мувофиқлаштириш).

2-§. Банк учун хусусиятли бўлган таваккалчилик турлари

67. Банклар учун хусусиятли бўлган таваккалчиликларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) кредит таваккалчилиги – активни йўқотиш таваккалчилиги ва қарз олувчилар ёки уларнинг вакиллари томонидан мажбуриятлар бажарилмаслиги оқибатида активнинг дастлабки сифати ёки қийматини йўқотиш хавф-хатари. Кредит таваккалчилиги кўринишларидан бири бўлиб, инфляцион таваккалчилик ҳисобланади;

б) инфляцион таваккалчилик – активнинг инфляция оқибатида номинал қиймат миқдорини сақлаб қолган ёки ўстирган ҳолда дастлабки реал қийматини йўқотиш хавф-хатаридир;

в) фоиз таваккалчилиги – банк учун кўзда тутилмаган ҳолда, номуносив равишда фоиз ставкаларини ўзгариши оқибатидаги йўқотишлар хавф-хатари. Ушбу таваккалчилик банк маржасини қисқариши “ноль”га тенг бўлиши ёки умуман манфий ифодага олиб келиши мумкин. Фоиз ставкаларни кескин бир тарафлама ўзгариши ёки фоизли спрэдинг камайиши ҳолатида банк активлари ўз қийматининг бир қисмини йўқотиши,

аксинча пассивларнинг қиймати эса ўсиши мумкин. Бу эса ўз навбатида маржанинг камайишига олиб келади;

г)баланслашмаган ликвидлик ва қайта молиялаш таваккалчилиги – банк томонидан пассивлар бўйича мажбуриятларни ва активлар бўйича талабларни бажара олмаслиги ёки жорий активларни қайта молиялаш учун янги ресурсларни жалб эта олмаслиги ҳолатида вужудга келадиган йўқотишлар хавф-хатари;

д)етарлича бўлмаган диверсификация таваккалчилиги – активлар ва пассивлар портфелини етарлича бўлмаган диверсификацияси ўтказилаётган операциялар доирасининг торлиги оқибатидаги йўқотишлар хавф-хатари. Ушбу таваккалчилик банк фаолиятини у ёки бу активлар (пассивлар) гуруҳи динамикасига асосиз боғлаб қўйилиши натижасида пайдо бўлади. Таваккалчиликнинг ушбу тури турли хавф-хатарлар (кредит, фоиз, қайта молиялаш ва шу каби) конгломерати сифатида, атамада кўрсатилган хусусиятли белгилари билан биргаликда кўрилиши мумкин;

е)валюта таваккалчилиги – валюта курсининг кўзда тутилмаган ўзгариши оқибатида эҳтимолий йўқотишлар;

ё)банк суистеъмолликлари таваккалчилиги – банк хизматчиларини ўрнатилган тартибларга риоя қилмаганлиги оқибатида вужудга келадиган эҳтимолий йўқотишлар.

3-§. Таваккалчиликларни бошқариш усуллари

68.Таваккалчиликларни самарали бошқариш мақсадида банкнинг ҳар бир тармоқ бўлинмаси ўз фаолият йўналишидан келиб чиқиб иштирок этади ва таваккалчиликларни олдини олиш ва уларни минималлаштириш мақсадида тегишли чоралар кўради.

69.Таваккалчиликларни бошқаришда маълумотларни йиғиш ва уларни дастлабки статистик қайта ишлаш усулларида кенг фойдаланилади. Мазкур турдаги изланишларда қўлланиладиган статистик кузатувнинг кенг тарқалган усуллари ялпи бўлмаган статистик кузатув (анкета, тасодифий асосдаги репрезентатив танлов, таснифланган асосда йўналтирилган танлов) усуллари киради.

70.Таваккалчиликни самарали бошқаришнинг муҳим шартларидан бўлиб, таҳлилий ва мониторинг ишларини яхши йўлга қўйилганлиги ҳисобланади.

71.Бозор иқтисодиётида таваккалчиликни бошқаришга нисбатан тизимли ёндашувнинг қўлланилиши ҳамда унинг банк активлари ва пассивларини бошқариш тизимини шаклланишида (кейинчалик эса ривожлантиришда) фойдаланилиши мақсадга мувофиқдир. Таваккалчиликни бошқаришдаги тизимли ёндашув асосида хориж тажрибаси асосида ишлаб чиқилган тамойиллар ётади - Generally accepted risk principles (GARP), яъни GARP – бу умумий тузилма ва у орқали банклар ўз таваккалчиликларини

бошқариш ва тақсимлаш имконига эга ва ундан раҳбарият, бошқарув ва конун чиқарувчилар фойдаланишлари мумкин.

72. Самарадорликни назорат қилиш нуқтаи назаридан таваккалчилик бошқарилишини таркиблаштириш усули қўлланилади ва бунда қуйидагилар ҳисобга олинади:

- а) банк Кенгашининг роли;
- б) банк Бошқарувининг роли;
- в) таваккалчилик билан боғлиқ стратегия;
- г) таваккалчиликларнинг умумий бошқарилиши;
- д) самарали бошқарув;
- е) самарали назорат;
- ё) кадрлар, маълумотлар сифати ва очиқ-ойдинлик.

4-§. Ликвидлилик таваккалчилигини баҳолаш ва бошқариш

73. Ликвидлилик таваккалчилигини баҳолаш ва бошқариш ҳар қандай банкнинг муҳим инструментларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ликвидлилик таваккалчилигини баҳолашнинг кенг тарқалган инструментлари бўлиб актив ва пасивларни муддатлари бўйича тузилиши ҳамда юқори ликвидли активлар ҳажмининг етарлилигини тавсифловчи турли кўрсаткичлар ҳисобланади.

Иккинчи муҳим параметр бўлиб қисқа ва узоқ муддатли истиқболда ликвидликни қўллаб-қувватлаб туришни таъминловчи, юқори ликвидли активлар ҳажмининг етарлилиги ҳисобланади. У банк депозит базасини диверсификацияланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда баҳолашни лозим. Бундай баҳолаш оддий усулда – бир кредитордан жалб этилган маблағлар максимал ҳажмини юқори ликвидли активлар ҳажмига нисбатини ўлчаш орқали амалга оширилиши мумкин.

Шунингдек банк ўзининг ликвидлилик таваккалчилиги юз бериши шароитида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режасига эга бўлиши лозим.

5-§. Фоиз ҳамда кредит таваккалчиликларини ўлчаш ва бошқариш

74. Фоизли таваккалчиликни ўлчаш ва бошқариш учун 2 стандарт усул мавжуд. Булар, GAP (ГЭП-таҳлил) – бозор фоиз ставкалари ўзгаришига банк иқтисодий қийматининг сезгирлик баҳосини таҳлил этиш ва ўлчаш усули. ГЭП - актив ва пасив моддаларини муддатлар бўйича, уларни жойлаштиришни (жалб этишни) баҳо шартларини қайта кўрилгунча, гуруҳлаштириш ҳисобланади (бир вақтда қайта баҳоланаётган актив ва пасивларни ҳажм жиҳатдан ўзаро мувофиқлигини ўрганган ҳолда). Бундай изланиш фоиз ставкалар даражасини ўсиши ёки кўтарилиши жараёнида банк фоиз спрэдини ўзгариши бўйича хулосалар қилиш имконини беради.

75.Кредит таваккалчилигини бошқариш банк таваккалчиликларини бошқариш борасидаги яхши ўрганилган муаммолар туркумига киради. Ссуда операцияларини лимитлашда ўрнатилган иқтисодий меъёрлар, банкнинг кредит сиёсати ва бошқи ички ҳамда ташқи воситалар асосида амалга оширилади.

6-боб. Банк менежментини ликвидлилик ва даромадлилик ҳолатига таъсири

- 1-§.Банк менежментининг мақсади
- 2-§.Банк менежментининг тамойиллари ва асосий йўналишлари
- 3-§.Банк менежменти ҳаракатларининг мантиқий кетма-кетлиги
- 4-§.Банк менежментини такомиллаштириш
- 5-§.Таваккалчиликни бошқариш жараёнининг асосий босқичлари

1-§. Банк менежментининг мақсади

76.Банк менежменти – бу стратегик ва тактик режалаштириш, таҳлилий ёндашув, банкнинг молиявий ва маркетинг фаолиятини ҳамда банк операцияларини амалга оширувчи ходимлар билан боғлиқ бўлган муносабатларни бошқаришдан иборат бўлиб, у қуйидагилардан иборат:

а)ташкилий тузилма;

б)кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, яхши ишлаш учун барча шароитларни яратиш, лавозим вазифалари ҳамда мажбуриятларни аниқ белгилаш, илғор хорижий банкларда тажриба ортириш, янги банк технологияларини мунтазам равишда ўрганиш;

в)банк раҳбариятининг хатти-ҳаракати ва назоратининг кетма-кетлиги таъминланган ҳолда ижро интизомини ташкил этиш;

г)қўйилган мақсадга эришиш ва вазифаларни бажариш юзасидан ҳисобот тизими (шакли, натижаларни баҳолаш)ни таш кил этиш;

д)банкнинг муаммоларини олдиндан аниқлашга йўналтирилган ва минимал йўқотишлар билан тузатиш чораларини кўзда тутган ички назорат ва аудит тизимини ташкил этиш;

е)банк фаолиятининг хусусиятли томонларини ҳисобга олган ҳолдаги меъёрий базанинг мавжудлиги, банк Кенгаши олдидаги зарур ҳисобот шакллари мавжудлиги;

ё)банкнинг мақсад ва вазифалари, тадбирларни амалга ошириш усуллари ва муддатлари ҳамда аниқ раҳбар ва ижрочиларни ўз ичига олган барча турдаги стратегияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

77.Банк менежменти субъектлари бўлиб банк Кенгаши ва Бошқаруви, таркибий тузилмалар раҳбарлари ва бошқарув жараёнида жалб этиладиган ходимлар тушунилади.

2-§. Банк менежментининг тамойиллари ва асосий йўналишлари

78. Менежмент тамойиллари биринчи навбатда энг юқори иқтисодий натижаларга эришишнинг мақбул усулини танлашни акс эттириши ва ташқи алоқалар бўйича маълумотларни йиғиш, янги фикрларни баҳолаш ва тадбиқ этиш тизимини яратиши керак. Бунда аҳамиятли омил бўлиб янги фикрлар пайдо бўлишини моддий рағбатлантириш ҳисобланади.

79. Банк менежменти амалда банк фаолиятидаги мақсадли йўналишларни белгилайди ва уларни тадбиқ этиш механизмини яратади. Қабул қилинган қарорлар ва уларни амалда тадбиқ этилишига қараб банк фаолиятини самарадорлиги ва бошқарувнинг сифатига баҳо берилади.

80. Банк менежментининг асосий йўналишларига: стратегия, таҳлил, моддий ва инсоний ресурсларни бошқариш, банк технологиялари ва ташкилий тузилмаларини ҳамда молияни бошқариш киради.

81. Банк менежментининг инструментлари бошқарув тамойиллари, усуллари ва таркибий тузилмасидан иборат.

3-§. Банк менежменти ҳаракатларининг мантиқий кетма-кетлиги

82. Самарали бошқарувни амалга ошириш учун банкнинг ҳар бир ходими юқорида қайд этилган тамойиллар мазмунини, банкнинг жорий ва лаёқатли муаммолари ҳамда энг муҳими, ҳаракатларнинг мантиқий кетма-кетлигини аниқ англаб етиши лозим.

83. Ҳаракатларнинг мантиқий кетма-кетлиги қуйидагиларда ўз аксини топади:

а) банк стратегиясининг мавжудлиги (банкнинг мақсадлари ва вазифалари, техник жиҳозланганлиги, операциялар тури, бозордаги ўрни ва шу кабилар);

б) кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш;

в) ички ташкилий тузилиши ва тизим барча ходимларининг лавозим мажбуриятлари;

г) ҳар бир ходим ўз хатти-ҳаракатлари учун банк олдидаги жавобгарлигини ҳис этиши лозимлигини етказиш.

84. Даромадлилик стратегияси банкнинг мақбул ривожланиши ва акциядорлар манфаатларини таъминловчи даромаднинг зарур миқдорини кўзда тутиши лозим.

85. Мақбул нисбатни ўрнатиш учун таваккалчиликни бошқариш юзасидан банк менежменти мавжуд хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда даромадлилик ва таваккалчиликнинг энг юқори чегарасини белгилаши лозим. Менежмент, ресурслар баҳоси, кредитга хизмат кўрсатиш бўйича кутилаётган харажатлар, комиссия харажатлар, умумий маъмурий

харажатлар, ссудалар бўйича эҳтимолий йўқотишлар ва фойда маржасини тўлиқ кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Банк менежменти давлат сиёсати ва мувофиқлаштириш тизимининг таъсирини ҳам ҳисобга олиши керак.

4-§. Банк менежментини такомиллаштириш

86. Банк менежментини такомиллаштириш учун қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- а) менежментнинг малакавий таснифлари;
- б) менежмент турларини солиштириш;
- в) кўзда тутилаётган хизматлар турлари;
- г) депозитлар, ссудалар бўйича сўнги ўзгаришлар ва бозордаги ҳолат;
- е) ички назорат ҳамда ташқи аудит тартиботлари, мақсадлари ва вазифалари;
- ё) ходимлар тавсифномаси;
- ж) молиявий ҳисобот ва бошқарувнинг маълумотлар тизимини бири-бирига тўғри келишлиги;
- з) шароитлар, офислар ва бошқа моддий активлар учун амортизация чекловлари;
- и) капиталнинг мувофиқлиги ва унинг баҳоси;
- й) харажатлар динамикаси;
- к) фойда нормаси;
- л) хизмат кўрсатилаётган мижозларга қулайликлар ва уларнинг эҳтиёжларини қондириш;
- м) таҳлилий изланишлар;
- н) фоиз ставкаси тебраниши таваккалчилигидан банк мижозлари манфаатларини ҳимоялаш;
- о) банк мижозларига маҳсулотларни сотиш ва ҳисоб-китобларни тезлантиришда ёрдам бериш;
- п) хизмат этикаси;
- р) ташкилий менежмент кучсизланишида ўз ифодасини топган хизмат кўрсатиш таваккалчилиги;
- с) самарали бозор интизомини мавжудлиги;
- т) банк фаолиятини баҳолашнинг ягона услубиётини ишлаб чиқиш (таҳлилий ва молиявий коэффициентлар туркуми);
- у) банк хизматларининг ички қийматини баҳолаш усули;
- ф) кредитларни тақдим этиш сиёсати ва техникаси.

5-§. Таваккалчиликни бошқариш жараёнининг асосий босқичлари

87. Таваккалчиликни бошқариш жараёнининг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

а)банкнинг таваккалчиликка нисбатан сезгирлигини солиштирма-аниқлаш ва ўлчаш. Банк раҳбарияти, банкнинг турли таркибий тузилмаларига таваккалчиликнинг қандай омиллари хавфли эканлиги ва ушбу таваккалчиликнинг миқдори ҳамда даражасини ўлчаш тизимини яратиш ҳамда ҳимоя чораларини кўриш (махсус заҳиралар, капитал заҳиралар ёки бошқа манбалар ҳисобига);

б)банкнинг ҳар бир таркибий тузилмасининг тезкор сиёсатини кўриб чиқиш ва ушбу сиёсатни кунма-кун амалиётга татбиқ этилиши, мавжуд таваккалчиликни мувофиқ равишда қоплай олишини аниқлаш. Банк раҳбарияти ҳар бир тузилмадаги таваккалчиликнинг асосий ва ниҳоятда муҳим омиллари билан курашиши учун кунлик фаолиятга ёки стратегик вазифаларга ўзгартиришлар киритиш эҳтиёжини ҳал этиб бориш;

в)турли таваккалчилик омилларига банкнинг ўтказётган таъсирини кўйилган мақсадларга эришиш имконини банк раҳбарияти томонидан аниқланиши ҳамда таваккалчилик нуқтаи назаридан банк олдида шаклланган янги вазиятни ақс эттириш учун режани ўзгартириш эҳтиёжини ҳал этиши;

г)ҳар бир ҳисобот даврининг давоми ва якунида таваккалчиликни бошқариш борасидаги тадбир ва қарорлар натижаларини таҳлил этиш. Банк раҳбарияти лаёқатли таваккалчилик омилларини қандай даражада аниқлай олаётганлигини билиши лозим.

88.Банк менежменти ўз фаолиятини бозор шароитларига мослаштириш учун режалаштириш ва таҳлилий ишларга доимий эътибор қаратиши лозим. Чунки кўпчилик молиявий ва ҳажм кўрсаткичлари ичидан бир хил турдаги асосий кўрсаткич ва коэффициентлардан фойдаланиш, банк фаолият натижаларини ўзаро солиштириш имконини беради.

89.Банк менежменти маркетинг изланишлар, таҳлилий хулосалар, стратегик мақсад ва вазифаларга асосланиши керак.